



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 30 март, № 62 (5229)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 март куни Оқсаройда ЕХХТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебекни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари К. Воллебекнинг Марказий Осиёда миллатлараро муносабатларга оид долзарб масалаларга эътиборини юқори баҳолаб, тинчлик ва барқарорлиқни сақлашда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ЕХХТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенглик тарихан

мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати бўлиб келган. Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг туб мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Конституциясида миллати, дини ва тилидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқо-

мат қилаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Қонунчиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тузилмаларида мамлакатдаги барча миллат ва элатлар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

К. Воллебек 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида юз бер-

ган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон тугган позицияга юксак баҳо бериб, бундай ҳар томонлама пухта ўйланган оғир-вазмин ёндашув можаронинг авж олиши ва давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетишининг олдини олиш имконини берганини алоҳида қайд этди. ЕХХТ Олий комиссари Қирғизистонда рўй берган воқеалар юзасидан мустақил халқаро тергов ўтказиш му-

ҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХХТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари идораси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

(Ў.А).
Сарвар ЎРМОНОВ
олган суратлар.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик



палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 27 январь ҳамда 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисларидаги маърузаларида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тўбора ошиб бормоқда. Икки палатали асосда фаолият юритаётган парламентимиз мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғибот-чисиға айланиб бораётгани оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Хусусан, юз бераётган чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислох этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг иштирокини кенг ёритишда парламент журналистикасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

ПАРЛАМЕНТ ВА МАТБУОТ

Мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг юртимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тўбора ошиб бормоқда. Икки палатали асосда фаолият юритаётган парламентимиз мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғибот-чисиға айланиб бораётгани оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Хусусан, юз бераётган чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислох этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг иштирокини кенг ёритишда парламент журналистикасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

ФИДОЙИ МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус — 2011" республика кўрик-танловининг якуний босқичи иш бошлади.

Унинг тантанали очилиш маросимида алоҳида таъкидланганидек, Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси ва бевосита рағбарлиги остида ташкил этилган мазкур кўрик-танлов ўтган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш, уларнинг илгор ғояларини амали-

ётга жорий этиш, қис-қача айт-

ганда, ташаббускор ишбилармонларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда энг муҳим тадбирга айланди. Натигада ҳар йили юзлаб юртдошларимизнинг тадбиркорлик истеъдоди юзага чиқиб, кўплаб замонавий корхоналар пайдо бўлмоқда. Иқтисодиёт тармоқларига хорж инвестициясининг жалб этилиши эса ҳўжалик субъектларининг фаолият йўналишлари кенгайтирилишига, энг асосийси, минглаб янги иш ўринлари очилишига хизмат қилаётди. 2010 йилда 950 мингдан зиёд иш жойлари очилган бўлса, шунинг 600 мингдан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасига тўғри келгани, яна 210 минг нафар киши касаначилик асосида меҳнат қилаётгани бунинг аққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Дунёда иқтисодийни ривожлантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида энг самаралиси ва мақбули, бу — кичик бизнес рагнаки учун кенг йўл очиб беришдир.

ТАДБИРКОР ЙЎЛИГА ҲОВ БЎЛМАНГ

Ушбу соҳани қўллаб-қувватламай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлиги муаммосини ихобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ. Қайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратмасанг, айнан тадбиркорлик соҳаси ҳал қилувчи аҳамият касб этишига амин бўласиз. Дейлик, ҳозир Германия, Нидерландия, Финляндия, Норвегия, Швеция каби "кўҳна қитъа"нинг аксарият давлатларида мавжуд иш ўринларининг қарийб 70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 50 фоиздан ортиқни ташкил этаётди. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнес етакчи ўринга кўтарилган. Биргина Хитойда экспорт ҳақмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани соҳанинг мавқени яққол кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда ҳам мустақиллиқнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга

энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўтган вақт мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби кўплаб қўлайликлар жорий этилди. Бу амалда ўз самараларини бераёпти. Мабодро 2007 йилда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизга етди. Ҳўлбуки, 2000 йилда ушбу рақам 30 фоиз эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбаларини яратишининг энг муҳим омилга айланиб бораётди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЯПОНИЯЛИК ДЎСТЛАРИНИНГ ҚАЙҒУСИГА ҲАМ, ХУРСАНДЧИЛИГИГА ҲАМ ДОИМО ШЕРИКДИР

2011 йил 11 март санаси нафақат инсоният тарихида мисли кўрилмаган даҳшатли табиий офатлардан бирини бошидан кечирган миллионлаб японияликларнинг, балки бутун дунё ҳамжамияти хотирасида бир умр муҳрланиб қолади. Барчамиз яна бир бор япон миллатининг ҳар қандай фалокат олдида ўзини йўқотмаслиги ва руҳан тетиклигига гувоҳ бўлдик.

Айнан шу куни Япониянинг Тинч океани кўрфазини яқинидаги шимоли-шарқий соҳилларида жойлашган Тохоку ҳудудида 9 балии зилзила содир бўлди.

Зилзила ва унинг ортидан юзага келган цунами тўғрисида халокатли оқибатларга олиб келди. Океанда содир бўлган, баландлиги ўн метрлик улкан тўлқин йўловчи ва юк кемаларини соҳилга улоқтириб ташлади, ўн минглаб

уйлар вайрон бўлди, қирғоқ бўйи инфратузилмаси тамомла издан чиқди. Автоомобиллар, одамларнинг мулкларини, синган турли жиҳозлар ҳудуди дарахт барғи каби лойқа сувда оқди. Зилзила силкинишига бардош бера олмаган АЭС реакторларига цунами жиддий зарар етказди. Кенг микёсда радиациядан заҳарланиш хавфи кўчаиди.

Биз ва дунё

Сўнгги маълумотларга кўра, қарийб 11 минг одам ҳаётдан кўз юмди, бедарак йўқолганлар тахминан 18 минг нафарни ташкил этмоқда, 300 мингдан зиёд киши эса бошпанасиз қолди. Афсуски, нечоғли қайғули бўлмасин, ушбу рақамларнинг ўсиши хануз давом этмоқда.

Ҳалокатли зилзила мамлакат иқтисодиётига ҳам катта

зиён келтирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, табиий офат етказган зарар миқдори 300 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин.

Кўплаб ер силкинишлари азобини тортган Ўзбекистонда биродар япон халқининг бошига тушган бу оғир синов ҳақидаги муҳим хабар қалбда қаттиқ изтироб билан қарши олинди. Мамлакатимиз халқи офат содир бўлгандан бўён ўтган кунлар давомида Япония аҳолиси тақдирининг фожиали зарбасини мардларча ва фидокорона бартараф этаётганини ҳаждонда,

(Давоми 2-бетда).

РОҒУН ЛОЙИҲАСИ – ЎРТА ОСИЁ УЧУН ЦУНАМИДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган қўламадги техноген фалокатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган ҳалокат яққол мисол бўла олади.

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни қўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби, атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кузланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига нисбатан талаблар гоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илгор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Япониядек давлатдаки шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайд.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онига бир неча йиллардан бўён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши ло-

йиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳўлбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғон Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу тағи пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу тағи пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Айни пайтда Тожикистон Рес-

публикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фҳарий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервюсида Японияда содир бўлган салкам 9 балии зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С. Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир — Хиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини баъшарат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган мазкур статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С. Негматуллаевнинг мазкур баёнотларни сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тақдиқот

услугларига асослангани билан эътиборни тортади.

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини, қандай бўлмасин, амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажақ хавфи ҳақида оғохлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдиришмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиغان ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг ҳулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштириладиган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжиydi ва ўпирилиш юз беради. Бу эса даҳшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиغان цунами Японияда қандай вайроннагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қуриладиган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга

ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайроннагарчиликлар келтириши борасида Япониядаги цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, авваламбор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу залда ривожланадиган бўлса, катта микдордаги сув пастга сеқундида 130 метр ёқи соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги сеқундида 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскаднинг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронга айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг ҳолис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек тағи пуч ғояни амалга оширишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг қузини очади, деб умид қиламиз.

С. ЖИГАРЁВ,
«Гидролойиҳа» МЧЖ директори.

Интилиш ва изланиш эътирофи

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида республикамиз шошилинч тиббий ёрдам тизими ҳодимлари ўртасида ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳаси ривожига қаратилётган юксак эътибор эл саломатлигини асраш, оналар ва болалар соғлиғи муҳофазаси, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги эзгу сайёҳ-ҳаракатлар мисолида яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишининг янгила, Ўзига хос тизими шакллантирилганлиги ҳам аҳолига тезкор равишда юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаётди.

Айни пайтда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойлардаги 13 та ҳудудий филиали қошида тез тиббий ёрдам бўлимлари, санитар авиация хизмати фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Танлов

ПАРЛАМЕНТ ВА МАТБУОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида БМТ Тараққиёт дастурининг “Парламент ривожланишини кўллаб-қувватлаш” лойиҳаси ҳамкорлигида “Парламент журналистикасининг долзарб масалалари” мавзuida ўтказилган семинар-тренингда шулар хусусида сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, журналистика соҳасининг олим ва мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўйи палатанинг матбуот хизмати раҳбари О. Ўсаров ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов томонидан оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлайдиган қонунчилик асосларини шакллантиришга қаратилаётган эътибор миллий парламентимиз фаолиятини ёритишда ҳам юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўлида айни пайтдаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Анжуманда депутатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Парламент, унинг қўмиталари, партия фракциялари, депутатлик гуруҳлари мажлисларида, сайлов округларида депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирокини кенгайтириш борасида фикрлар билдирилди.

Бундан ташқари, парламент фаолиятини ёритувчи журналистлар тайёрлаётган материаллар сифатини ошириш, сайловчиларнинг депутатлар фаолиятидан хабардорлик даражасини юксалтиришда замонавий шакл ва усуллардан кенг фойдаланиш айни пайтдаги долзарб вазифалардан экани қайд этилди.

Семинар-тренингда депутатлар ва журналистлар парламент ҳамда депутатлар фаолиятини янада самарали ёритишга қаратилган интерфаол машғулотларда иштирок этди.

(Ў.А.)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буларнинг бари, албатта, республикаимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш учун қулай муҳит, етарли шарт-шароит яратиб берилгани шарофатидир. Хўжалик субъектларининг рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилиб, солиқ юкининг йил сайин пасайтирилаётгани, микрокредитлаш ва бошқа йўналишларда бир қатор имтиёзлар қўлланилаётгани туфайли эса импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилапти. “Ташаббус — 2011” кўрик-танловининг якуний босқичи иштирокчилари маҳсулотларининг кўргазмаси билан яқиндан танишган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Дарҳақиқат, танловнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида 6400 нафар иштирокчи орасидан сараланиб, беллашувни пойтахтда давом эттираётган 41 нафар тадбиркор, фермер ва хўнараманднинг маҳсулотлари ўзига хослиги, юқори сифати, бежирим қадокланиши ҳамда бозор талабларига мослиги билан алоҳида ахралаб турилди. Улар орасида кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил sanoat ва тўқимачилик товарлари, қурилиш ва хўнарамандчилик буюмлари бор.

“Ташаббус” кўрик-танлови, хусусан, фермерларга қўшимча имкониятлар эшигини очиб, уларни ташаббус кўрсатишга ундаётди. Кишлоқ мулкдорларининг нафақат хом ашё етиштирувчи, балки уни қайта ишловчи сифатида майдонга чиққани, аслида, уларнинг меҳнати муносиб

ФИДОЙИ МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ



баҳоланиб, қадрланаётгани маҳсулидир.

“Ташаббус — 2011” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этаятган фермер хўжаликларининг ҳеч қайсиси бир йўналиш билан чекланиб қолмагани, минитехнологияларни қўллаш орқали қайта ишлашни йўлга қўйгани, айниқса, диққатга сазовор. Масалан, андижонлик фермер Ёркинбой Тошбоев гўшт ва пилани қайта ишлаш билан шуғулланаётган бўлса, бухоролик фермер Акмал Тешаев қурилиш материаллари ишлаб қайтармоқда. Қашқадарёдаги “The West Star” фермер хўжалигида касаначилик асосида тайёрланган гилам маҳсулотлари, Жиззах вилоятидаги “Уста Сафар ота” фермер хўжалиги ёрлиги тўширилган сут маҳсулотлари, Фарғонадаги “Мухтора МЗХМ” фермер

хўжалигининг қолбаса маҳсулотлари, хўнарамандлар томонидан яратилган халқ амалии санъатининг ноёб дурдоналари эса аллақачон истеъмолчилар эътиборини қозониб улгурган.

Шу маънода, “Ташаббус — 2011” республика кўрик-танлови иштирокчилари маҳсулотларининг кўргазмаси мамлакатимиз иқтисодиётининг эришилган ютуқлар, уни мамлакатимиз иқтисодиётининг етаски кучига айлантириш бўйича қилиниши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. “Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлаш олдидан қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда”, деб уқтирди Ўртабшаров.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** Халқаро Вестминстер университетида Маданият ҳафталиги бошланди. Тадбирда мазкур олий ўқув даргоҳи талабалари иштирок этмоқда. Талаба-ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, иجتимоий фаоллигини ошириш, ижодкорлик қобилиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган ушбу маданий анжуман доирасида “Қувноқлар ва зукколар” танлови, “Нима? Қачон? Қаерда?” талабалар лигасининг университет талабалари кенгаши қубоги учун беллашув, университет иқтидорли талабалари иштирокидаги концерт, либослар кўргазмаси каби турли тадбирлар бўлиб ўтади.

● АСАКА туманилик тадбиркор Ботир Нуриллаев раҳбарлик қилаётган “Асак МАК” хусусий корхонасида лойиҳа қиймати 1 миллиард 14 миллион сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробарга ортиди. Эътиборлики, корхонада аяқланган йилда 1 миллиард 542 миллион сўмлик макарон маҳсулотлари тайёрланди.

● **БОЁВУТ** туманида 1,5 километр масофага қувур ётқизилиб, Болгал қишлоғи аҳолисининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Таъкидлаш керакки, ўтган йили вилоятда аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондириш мақсадида 2 миллиард 734 миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

● “Ўзстандарт” агентлигининг Қорақалпоғистон сирова ва сертифицирлаш маркази давлат корхонаси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ЭЛЛИҚАЛҲА туманида янги шохобча фаолиятини йўлга қўйди. Эндиликда ушбу бўлим нафақат Эллиқалъа, балки қўшни Тўртқўл ва Беруний туманлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

● **НАВБАҲОР** туманидаги “Арабсарой” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. “Саккизбек истикболи” хусусий корхонасининг 45 миллион сўмлик маблаг эвазига бунёд этилган ушбу мажмуада маҳаллий sanoat корхоналари маҳсулотлари сотув йўлга қўйилди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур йўналишда юзага келган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, тез тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимнинг транспорт паркинни бойитиш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини халқаро андозалар даражаси-

га кўтариш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соҳадаги малакали мутахассисларнинг билим ва малакасини кенг тарғиб қилиш, намунали фаолият кўрсатаётган ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида, икки йилдирки, юксак савияда ўтказиб келинаётган танлов бу гал ҳам қизгин беллашувларга бой бўлди.

Якуний натижаларга кўра, танловда Самарқанд вилоятининг Каттакўрган шаҳар

тез тиббий ёрдам бўлими “Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси” деб топилди ва ғолибга “Дамас” автомашинаси топширилди. Республика шовшинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали шифокори Венера Гурьянова эса “Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори” деб тан олинди.

— Эл саноатининг асраш йўлида фидойилик билан меҳнат қилиш биз, шифокорларнинг бурчимиз-



(Давоми. Боши 1-бетда).

ушбу фалокат тез фурсатларда чекинишига ҳайрихоҳлик билан кузатиш. Зилиланинг фожиали оқибатларига, оғир жудодилларга қарамасдан, япон халқи ушбу кўргиликлари ваҳималарсиз, матонат ва аҳиллик билан қабул қилди. Фожианинг эртанги қунидан бошлаб улар ўз кучлари билан уй-жойларини қайта тиклашга тайёр эдилар. Японлар бу ер — уларнинг уйлари, Ватанлари экан-

навонинг кескин ошиб кетиши ҳолатлари мутлақо учрагани йўқ. Дўхон эгалари, одатдагидек, маҳсулот нархларини пасайтиришди. Колаверса, ичимлик сувини бепул тарқатишди. Қуфпатдан жабр кўрмаган японияликлар бошпанасидан маҳрум бўлган ватандошларига ўз уйларидадан жой берилди. Оғир ҳақиқатларда бор бисотишни бошқалар билан баҳам кўрган японияликларнинг бундай хатти-ҳаракатлари бизнинг халқимизга ҳам ёт эмас. Қўйин вазиятга тушиб қолган-

намидан қурбон бўлганларнинг охи-ратлари обод бўлиши учун ибодат қилишини” маълум қилди.

Бугун япон халқи сўнгги қунларда сурункасига давом этаётган табиий офат зарбаларини матонат билан енгиб ўтишда давом этмоқда.

Японияликларнинг бошига тушган улкан қулофат Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқаросини бефарқ қолдирмади. Зотан, халқларимизни кўп асрлик тарихий ва маданий ришталар боғлаб туради.

дир, — дейди Венера Гурьянова. — Мамлакатимиз солиқини сақлаш тизимини ривожлантиришга Президентимиз раҳнамоллигида юксак эътибор қаратилмоқда. Шифо масканларида юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар етарли. Бундай қулай иш шароити бизни янада кўпроқ изланишга, янгидан-янги ўқуларга ундайверади.

Танловда, шунингдек, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тез тиббий ёрдам машинаси ҳайдовчиси Усмон Ақобиров “Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси” сифатида эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. **СУРАТДА:** Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Япония Бош вазири Наото Кан ва мамлакат ташқи ишлар вазири Такэаки Мацумото Ўзбекистон ҳукуматиға маънавий жиҳатдан дағда бўлган илиқ сўзлари ҳамда кўрсаткич инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиришди.

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёшихиса Курода мазкур ҳолат замонлар мобайнида сингалган икки томонлама дўстлик ва шериклик ало-

қаларининг яна бир исботи бўлганини, бу эса ўзаро муносабатларнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишидан далолат эканлигини таъкидлади.

Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, сенатор Кеко Накаяма қалбини ларзага солган, минглаб ватандошларини йўқотган оғир бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан йўланган Япония халқини маънавий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳамдардлик сўзлари учун чин юракдан миннатдорлик билдирди.

У, шунингдек, Япония табиий фалокатлар синовини биринчи марта бошдан кечирмаётгани, бундай ҳолат 1995 йилда Кобе ҳудудида ҳам ўз бергани ҳамда мамлакат ушбу офатларни вақт ўтиши билан бартараф этиши шубҳасиз эканига қарамай, Ўзбекистоннинг оғир дамлардаги қўмағи оддий япон халқининг қалбидан бир умрга жой олишини таъкидлади.

Токонининг “Нарита” аэропорти маъмурияти иш бошқарувчиси Ёсую Фукумото бу борадаги ўз маълумотларини қуйидагича баён этди: “Бугун япон халқи оғир дамларни бошдан кечирмоқда. Япониянинг шимолида ўз берган муҳий табиий офат натижасида бошпанасиз қолган кишиларга Ўзбекистон халқи томонидан юборилган палат-

7 февралда Президентимизнинг давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мазкур меъёрий ҳужжатда махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидаги иштирокини амалда енгиллаштириш имконини берадиган аниқ механизм белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қаро-

Янги кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун ахратилаётган майдонларда коммуникация тармоқларини ўрнатиш ва уларни харажатларини оптималлаштириш, энергия таъминотини яхшилаш, шаҳар ва туманлар sanoat ҳудудларида янги кичик ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорларни ташкилий-амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурати бор.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада

ТАДБИРКОР ЙЎЛИГА ҒОВ БЎЛМАНГ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган ялпи мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида ҳам соҳада эришилаётган ютуқлар, уни мамлакатимиз иқтисодиётининг етаски кучига айлантириш бўйича қилиниши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. “Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлаш олдидан қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда”, деб уқтирди Ўртабшаров.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамайдан, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор, саноатда етакчи ўринни эгаллашмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қалфотлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Президентимиз, хусусан, ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика хисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай хисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар хисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркорлигини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда мазкур йўналишда дастлабки қадамлар ташланаётгани қувонарли ҳолдир. Хусусан, жорий йил

рида иқтисодиётнинг мазкур тармоғи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очик электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган. Таъкидлаш керакки, қарор кичик бизнес субъектларининг давлат харидларидан фойдаланишини оsonлаштириш билан бирга, уларга мўйян преференциялар ҳам беради. Масалан, 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари бўйича тендерлар ўтказишда бошқа тенг шартлар билан бир қаторда, кичик бизнес субъектларига мўйян афзалликлар бериш тартиби ўрнатилади. Бундан ташқари, қиймати 500 миллион сўмгача бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича Давлат бюджетни ҳамда бошқа марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобидан молияланадиган ишларни баҳарли учун пудрат ташкилотлари фақат кичик бизнес субъектлари орасидан танлаб олинади.

Бундай имконият ва имтиёзлар кичик бизнеснинг салоҳиятини ошириш, уларнинг мамлакат иқтисодиёти ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ўз фаолиятида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қалфотлари тўғрисида”ги Қонуннинг жойларда, шунингдек, тегишли давлат идоралари тузилмаларида ижро этилишини назорат таҳлил асосида ўрганиб, парламент назоратига олмақда. Таҳлилларимиз давомидида Президентимиз томонидан ушбу Қонуннинг янги тахририни қабул қилиш бўйича билдирилган тақлифлар асосли ва долзарб эканлигига ғувоҳ бўлдик. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига фаолиятларини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида қурилиш, усқуналарини ўрнатиш, ишлаб чиқариш ва бошқалар учун лозим бўладиган ер майдонлари ажратилиши тартиби ва талабларини соддалаштириш, бу борадаги тегишли ҳужжатни ўз вақтида тайёрлашга эҳтиёж сезилмоқда.

А. БУРХАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

гимизни билдирамиз, — деди Т. Абe. Шу қунларда инсонларда умид ва ишонч уйғотувчи, тинчлик, фаровонлик ва ҳаётнинг янгилиниши рамзи хисобланмиш сакура дарактининг гулга кириши японлар томонидан ўзгача ҳаяжон билан қутиб олинмиш ҳам тасодиף эмас, албатта.

Айнан шундай ҳис-туйғуларга тўла Япониянинг футбол бўйича олимпия терма жамоаси аъзолари ўз Ватанида кечаётган фожиали воқеаларга қарамасдан, Лондон олимпиадасига тайёргарликни давом эттириш ниятида бодом ва ўрик гулларининг иси уфуриб турган мамлакатимизга ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун етиб келишди. Ўйин олдидан мураббийлар штаби, футболчилар ҳамда “Пактхот” марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар Японияда табиий офат натижасида қурбон бўлганлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақлашди.

— Бизни мамлакатимиз учун оғир дамларда умидлантириб турувчи оғир — бу эртанги қунга ишончдир. Колаверса, минглаб қачирим ўзоқликда жойлашган бўлишига қарамай, мададкор дўстларнинг доимо бирга бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга, — деди Япония олимпия терма жамоаси аъзоси мураббийси Такеши Секизука. — Бундай пайтда географик координатлар ҳам шартли саналади. Биз Ўзбекистонда Япониядаги фожиага нисбатан чуқур қайғурмиш ва самимий муносабатнинг ғувоҳи бўлаёلمиз. Бунинг учун инсонийлик нуқтан назаридан сиздан бағоятда миннатдорим.

Хулоса ўрнида тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугун тақдир синовига юзма-юз келган японияликлар ўзаро жипслаган, ўзарини янада матонатли ва дадил тутишмоқда. Ҳеч шубҳасиз, уларнинг мушуқ ҳолатлардан қийиб кетиш бўйича ўн йиллар давомида шаклланган доимий ўҳшёрлиги бўлмаганда, одамлар орасидаги қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди.

Биз, ўзбекистонликлар Япония дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири сифатида қисқа вақт ичиде вайрон бўлган ишоотларни қайта тиклаш ишларини муваффақиятли қўлашгани, биродар япон халқи эса ўзига ҳос қадр-қиймати ва меҳнатсеварлиги билан ўз келажагини қуришда давом этишига ишонамиз.

«Жаҳон» АА.



Президентимиз Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида “Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга молиқдир”, деб алоҳида таъкидлади.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида фаол иштирок этмоқда. Инкирозга қарши чоралар дастури, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга изчил татбиқ этилаётгани, молия муассасаларининг ресурс базасини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилатгани натижасида банклар муайян устуворликни қўлга киритмоқдалар. Уларнинг маблағлари эвазига банкрот корхоналар модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши туфайли бу субъектларда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, қўшимча юзлаб иш ўринлари яратилаяпти.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар боис уларнинг фаолияти тобора ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, молия муассасаларининг кредит ва инвестиция фаолиятини кенгайтирмоқда. Ўтган йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайгани, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни айланма маблағлар билан тўлдиришга банкларимиз томонидан 402 миллиард сўм ёки аввалги йилдагига

нисбатан 58 фоиз кўп имтиёзли кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, тижорат банклари кредит портфели таркибида сифат ўзгаришлари юзага чиқиб, уларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан жорий йил бошига келиб, 75,2 фоизга ўсди.

Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки хузурида иқтисодий ночор ва банкрот деб эълон қилинган корхона билан ишлашга иқтисодлаштирилган “Асака Инвестмент” бошқарув компанияси таъсис этилган эди. Мазкур компания мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган вақт мобайнида 16 та банкрот корхонада ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланиб, уларнинг 14 таси янги инвесторларга сотилди. Банк балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма маблағлар билан таъминлаш учун эса 15,7 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. Пировардида 1966

нафар киши муқим иш жойига эга бўлди. Бундан ташқари, 2010 йилда қайтадан иш бошлаган корхоналарни бошқаришга маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларнинг жалб этилиши уларда қисқа муддатда 36,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг 12,4 миллион АҚШ долларига тенг миқдордагисини четга экспорт қилиш имконини берди. Ваҳолонки, 2009 йили бу кўрсаткич мутаносиб равишда 24,5 миллиард сўм ва 7,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди.

Жорий йилнинг икки ойида эса 4,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 1,2 миллион АҚШ долларилуши хорижга чиқарилгани ҳам диққатга сазовор.

Табий савол туғилади: банк томонидан ажратилган маблағлар иқтисодиётнинг қайси тармоқларига йўналтирилмоқда? Айни пайтда банк кўмаги билан 6 та корхонада тўқимачилик, 2 та корхонада озиқ-овқат, битта корхонада пойабзал, 2 та корхонада тиббиёт, битта

ни йўлга қўйишни кўзлаган лойиҳаларни молиялаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Бундай ёндашув келгусида ҳам банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолишдан дарак беради.

Мухтасар қилиб айтганда, “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг ночор ва банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштиришга йўналтираётган сармоялари мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириб, аҳоли даромадларини кўпайтиришга хизмат қилаверади.

Банк матбуот хизмати. [1]

Мамлакатимиздаги молия муассасалари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган сармоялар мавжуд корхоналарни кенгайтириш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда қўллаб-қувватлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш имконини бераётир.

Бу борада “Ипак йўли” ОАТБ “Умар” минтақавий филиалининг ҳам хизмати катта. Жумладан, кейинги йилларда мазкур молия муассасаси жамоасининг ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётгани мижозлар сонининг ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, 2009 йилда филиал мижозлари 102067 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар сони 203965 тага етди. Шунингдек, филиалнинг минибанклари 2007 йилдагига нисбатан 16 тага кўпайиб, айни пайтда 19 тани ташкил қилмоқда.

— Мижозлар ишончини қозониш фаолиятимизнинг асосий мезони, — дейди филиал бошқарувчиси ўринбосари Хирожиддин Сирожқулов. — Бунинг учун биз фаолиятимизни такомиллаштириш бораберида, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ҳам ўтказаямиз. Хусусан, Юртбошимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётир. Мазкур қарор ижросини таъминлаш асосида ўтган йили вилоят аҳолисида жалб қилинган омонатлар миқдори 9 миллиард 829,9 миллион сўмни ташкил этди. Бу 2009 йилдагига нисбатан 2 миллиард 898,7 миллион сўмга кўпдир. Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш мақсадида мижозларимизни пластик карточка билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Масалан, филиалда 2009 йилда жами 12430 та пластик карточка тарқатилган бўлса, 2010 йилда улар сони 28416 тага, 2011 йил 1 март ҳолатига кўра эса 28943 тага етди.

2009 йилдагига нисбатан кредитлар ҳажмининг

«Ипак йўли» банки: ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, МОЛИЯВИЙ МАДАДКОР

1,4 бараварга, микрокредитлар миқдорининг эса 1 бараварга ўсиши таъминлангани ҳам қувонарли ҳолдир.

2009 йил якунида банк филиали томонидан ажратилган кредит портфелининг умумий миқдори 6 миллиард 905,4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йил натижаларига кўра, бу кўрсаткич 10 миллиард 141,2 миллион сўмга етди.

Натижада ушбу соҳада 137,5 фоиз ўсимиш эришилди. Микрокредитлар ажратилиши ҳам ана шундай ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли дастурхонини тўқимачилик таъминлаш ҳамда иш билан банд юртдошларимиз сафининг тобора кенгайишига хизмат қилаётир. Мазкур қарорга мувофиқ, ўтган йили банк томонидан ажратилган кредитлар миқдори 1 миллиард 810 миллион сўмни, кредитлар қолдиғи эса 1 миллиард 506 миллион сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол

товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ эса, тадбиркорларга 2 миллиард 640,5 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, кредитлар қолдиғи 2 миллиард 127 миллион сўмдан ошди. Шунингдек, ўтган йили “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ижросини таъминлашга йўналтирилган кредитлар миқдори 541,5 миллион сўмдан ортди. Ушбу маблағларнинг 493,5 миллион сўми кичик корхоналар, фермер ҳўжаликлари ва яққа тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш учун сарфланди. Саноат корхоналари фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори эса 48 миллион сўмни ташкил этди.

Маълумки, мамлакатимизда жорий этилаётган ислохотларнинг пировард мақсадида юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Бунинг учун жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Филиал жамоаси ҳам ана шу талаблардан келиб чиқиб, янги иш ўринлари ташкил этишга муносиб хисса қўшмоқда. Хусусан, “2010 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”да белгиланган вазифалар асосида мазкур молия муассаси

саси томонидан 17 миллиард 152,9 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Шу ҳисобдан 393 та иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинмиши ушбу соҳа вакиллари қатори уларнинг молиявий қўмақчиси бўлган молия муассасалари, хусусан, “Ипак йўли” банкининг “Умар” минтақавий филиали жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклатди. Шундан келиб чиқиб, филиал томонидан истиқболда тадбиркорлар, айниқса, ёш ишбилармонларнинг молиявий қўллаб-қувватлаш орқали жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсад қилинган. Бундан ташқари, “Банклар — тадбиркорларнинг ҳамқори ва ишончли таянчи” шиори асосида фаолият юритаётган банк жамоаси жорий йилда ўз мижози бўлган ва айни пайтда барқарор фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг тадбиркорлик режаларини ўрганиб чиқиб, улар билан молиявий ҳамкорлик қилиш ҳамда пировардида импорт ўрнини босувчи экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган. Ана шу эзгу мақсадлар рўйиштиришда аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Абдурусул САТТОРОВ. [1]



Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ўсишга эришилмоқда. Буни қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, жўртимизда мазкур тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, деҳқон ва фермерлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Бу жараёнда қишлоқ мулкдорларининг чинакам молиявий таянчига айланган “Агробанк” ОАТБнинг кўмаги, айниқса, катта бўлаяпти. Банкнинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Банк бошқармаси жамоаси хайрли тадбирларни давом эттириб, вилоят деҳқон ва фермерларининг полиз, мевасабзавот ва узум, шунингдек, картошка етиштиришни аввалги йиллардагига нисбатан 30-40 фоизга кўпайтириш орқали қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш ҳажминини янада ошириш, ички истеъмол бозорини сархил маҳсулотлар билан тўлдириш, янги тоқзор ва интенсив боғлар ташкил этиш лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир. Жумладан, жойлардаги ҳар бир банк бўлими томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини етказиб бериш мақсадида 2 тадан кўнча дўкон ташкил этилди. Бундан ташқари, махсус кимё корхоналари дўконларида банк кредити ҳисобидан уруғлик ва қўчат савдоси ташкил этилгани, умуман олганда, 2011 йилда шахсий тоқорқа ва деҳқон ҳўжаликларида 4472 та лойиҳа бўйича 1952,1 млн. сўм миқдорда микрокредит ажратилиш кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

Шу ўринда 2011 йил пахта ҳосили учун 10 млрд. 84,3 млн. сўмлик, ғалла етиштириш харажатларига 10 млрд. 91,3 млн. сўмлик имтиёзли, фермер ҳўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қорчиқили ва паррандачилик каби қўшимча тармоқларни ривожлантириш учун жами 350,0 млн. сўмлик тижорат кредит-

лари ажратилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

“Агробанк” сармоялари нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, балки чекка ҳудудларда саноатни ривожлантириш, тармоқ корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳам хизмат қилаяпти. Масалан, “Поп пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятига ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш тадбирлари учун 750 млн. сўмлик узоқ муддатли кредит йўналтирилди. Шунингдек, “Наманган дон маҳсулотлари” АЖ 400 млн. сўм, “Учқўргон дон маҳсулотлари” АЖ 250 млн. сўм, “Поп дон маҳсулотлари” АЖ 150 млн. сўм, “Наманган дон” АЖ 272,2 млн. сўм миқдоридаги узоқ муддатли сармоядан баҳраманд бўлиб, бунинг эвазига зарур жиҳоз ва ускуналар сотиб олдилар.

Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди.


Аниқроғи, пишиқ гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган банк мижозларига жами 590 млн. сўм узоқ муддатли кредитлар берилди. Хусусан, банкнинг Ҳаққул-обод филиали мижози “Муҳаммадбобур савдо сервис” МЧЖга 100 млн. сўм, Чортоқ филиали мижози “Мақсад бунёдкори” МЧЖга 160 млн. сўм, Янгикўрғон филиали мижози “Мурод ўғли Малик” МЧЖга шунча миқдорда, Учқўрғон филиали мижози “Асадулло Бунёдкор Файз” МЧЖга эса 170 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада деворбоп материаллар ишлаб

да Бобуршоҳ кўчасида тикланаётган 2 та 24 хонадонли, шунча 18 хонадонли тураржой бунёдкорлари ҳам “Агробанк”нинг 1 миллиард 823 млн. сўмлик кредитидан унумли фойдаланишмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам “Агробанк”нинг Наманган вилояти бошқармасининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 2011 йилнинг дастлабки икки ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 178 та ҳўжалик субъектига 3 млрд. 535,4 млн. сўмлик кредитлар ажратилгани,

“Муҳиддин қалб гавҳари” МЧЖ қозони қайта ишлаш дастгоҳи сотиб олиб, 10 та янги иш ўрни яратди. “Намтоҳон Хурсаной Mustaqim” ва “Низомиддин Хусн Жамол” фермер ҳўжаликларида берилган 63,2 млн. сўмлик кредитлар эвазига эса яна 18 та қўшимча иш ўрни очилди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Бошқарма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш дастури



«Агробанк»: САРМОЯНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК САМАРАЛАРИ

чиқариш ҳажми кўпайиб, улар шахару қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий тураржойлар барпо этишда кенг қўлланилаяпти.

Наманган шаҳрининг Истиқлол кўчасида қад кўтарган 2 та 24 хонадонли уй-жойнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишида пудратчи ташкилотлар — “ХМКК-10” МЧЖга 915 млн. сўм ва “Буцефал трейд сервис” МЧЖга 939 млн. сўм миқдорида ажратилган кредит маблағлари, айниқса, қўл келди. Айни пайт-

бунинг ҳисобига 340 та янги иш ўрни яратилгани бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятда хоҳ озиқ-овқат ва нооқиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ иссиқхона барпо этиш, паррандачилик ҳўжаликлари ташкил этиш ва ёки сервис хизматлари кўрсатиш соҳаси бўлсин — буларнинг ривожига банк бошқармасининг муносиб улуши бор. Ибботми? Бошқарманинг Учқўрғон филиали томонидан ажратилган 200 млн. сўм кредит эвазига

тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича ҳам ишлар изчил олиб борилаяпти. Жумладан, “Ифтихор Кийим Саноат” МЧЖнинг 556,0 минг АҚШ долларилек инвестициявий лойиҳаси молиялаштирилиб, у хорижнинг замонавий дастгоҳлари билан қайта жиҳозланди. Бу, ўз навбатида, эркаклар костюм-шимларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди. Яна бир эътиборли жиҳати, 55 та янги иш жойи очилиб, ишчилар сони қарийб 100 нафарга етди. Ҳозирги пайтда улар кунига 150 дон эркаклар костюм-шимини тикишга эришмоқдалар.

Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Namangan Momiq Sochiqlar” МЧЖнинг 476,0 минг АҚШ долларилек инвестициявий лойиҳаси ҳам “Агробанк”нинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан молиялаштирилди. Бу ерга Швейцария ва Франция давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган, 51 янги иш ўрни яратилди.

Мазкур жамиятда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозор-

да ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Ўтган йили ишлаб чиқарилган 320,0 млн. сўмлик маҳсулотнинг 87,5 млн. сўмлиги экспорт қилинган шундан далолат беради. Айни чоғда чет эллик ҳамкорлардан буюртмалар олиш, шартномалар имзолаш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, Россиянинг “Уфимская торговая база” масъулияти чекланган жамияти билан 700,0 минг АҚШ доллари ва “ИП Жуков” фирмаси билан 1 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаси имзоланди.

Банкнинг молиявий кўмагида “Заркент текстиль” хусусий фирмаси ҳам Хитой давлатидан умумий қиймати 500,0 минг АҚШ долларилек пилани қайта ишлайдиган ускуналар сотиб олган эди. Натижада қисқа фурсатда замонавий корхона ишга туширилиб, 240 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда йилига 414 тонна пиладан жаҳон стандартларига жавоб берадиган 117 тонна ипак ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилиниши қўтилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Маълумки, қишлоқ жойларда хотин-қизлар бандлигини

таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этишда Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим омил бўлмоқда. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг вилоят бошқармаси томонидан 2011 йилнинг ўтган даврида 242,5 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунинг ҳисобига 18 та янги иш ўрни очилди. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайтириш мақсадида 768,0 млн. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун эса 623,4 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам ўз самарасини бераётир.

Галнинг индальосини айтганда, “Агробанк” ОАТБ Наманган вилояти бошқармаси фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, бу жамоа бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермерлар, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчиларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтириш борасидаги ишларни жадал давом эттираверади.

Банк матбуот хизмати. [1]





Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасы Журналистлари кайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналисларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаоллиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсидига ўтказабётган

“Олтин қалам” VI Миллий мукофоти учун халқаро танлов давом этмокда.

Танлов давом этади!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган маъкур танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган **материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.**

Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Голиб
Махсус диплом, “Олтин қалам” кўрак нишони, статуеткаси
Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш
қилинган 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан
қадрланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўрак нишони, статуэткеси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланган.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, "Олтин қалам" кўрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўркак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар
доирасидаги номинациялар:**

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йиллига бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзудаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистлик тегишуру учун;
- мураккаб шaroитларда (фавқуллодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- энг яхши матбуот хизмати;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Олтин қалам” танлови ғолиблари ва совриндорларини муқофотлаш, шунингдек, унги ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари

ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма матери-
аллар ҳамда интернет нашрларида эълон
қилинган ишлар тақдим этилади (5 та-
дан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиозшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчир-

ма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

- муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусخаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни — 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмиси, 3-кават, 30, 35, 37-хоналар.
Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.journalist.uz

Micros®

ТАРОЗИ

БИЗ ДУНИЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

Ўзбекистондаги расмий
ҳамкори

**ТАРОЗИНИНГ ТАРҚИБИЙ ҚИСИМЛАРИ,
ТАМГАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР,
ЎРАШ ВА ШТРИХ-КОДЛАШ**



CAS
Corporation (Karydu/Kopos)



«SMA» PУCУMИ



«MWP» PУCУMИ



«DL» PУCУMИ



«HERCULES» PУCУMИ

БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ

CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!

— Тўйнез кўчаси, 5-уй (MIBS қаршиқда), тел.: (+998 71) 232-06-61, 233-58-98, 233-80-07;

— Кичик Бойбосон кўчаси, 86-уй (Глинка кўчаси, олдинки шаҳар ДАИ қаршиқда),
тел.: (+998 71) 281-43-64, 281-47-34, факс: (+998 71) 281-43-65;

— С. Азимов кўчаси, 72-А-й (ЎзР Патент идараси қаршиқда), тел.: (+998 71) 236-04-49, факс: (+998 71) 232-06-85.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

Ўзбекистон халқини ўлкамизга кириб
келган янгилашни-яшарни айёми —
Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этамиз!



Барга юрбуронларингизга Ўлбан раббани
ёфидан яратибганлик ишларига
зафарлар йиласдингиз!
Оилаларингиз шик, дастурхонларингиз
бўқин ёфсин, азизлар!

**«Хоразмпахтасаноат»
вилоят бирлашмаси**

[illegible]

Россия

линолеуми

Тел.: 234-48-11.

Факс: 234-49-58.



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 01.10

ISSN 2010-8788

1 2 3 4 5